2-бет



### Эртанги кун кафолати

— Жамоа шартномаси яхши самара бераяпти. Агар тизимда ўртача ойлик иш ҳақи 53.600 сўм қилиб белгиланган бўлса, жамоа шартномаси бўйича ўртача маошни 84.100 сўмга етказишга эришдик.

3-бет

### Қулай шароит – самарадорлик манбаи

Бир йилда 20212,7 минг метр куб газ, 667,9 минг тонна барқарорлашмаган конденцат, 190,5 минг тонна нефт, 99,0 минг тонна суюлтирилган газ ва 3 минг тонна олтингугурт ишлаб чиқараётган корхонамиз республика ёқилғи-энергетика комплексининг асосий таянчларидан ҳисобланади.

4-бет



### Йўлдаги эзгулик карвони

Даврон ака одамларнинг қобилиятини яхши билар, ҳар бир одамга мос иш топширарди. Одамларни яхши билиши шунчалик эдики, уларнинг бир-икки оғиз сўзиданоқ кейинги ниятларини деярли бехато айтиб бера оларди.



*Insonga naf keltirish — oliy baxt*

# Ishonch

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

*2008-yil 8-iyul*
*№ 81 (2494)*
*seshanba*

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

*Эзгулик инсоннинг маънавий оламидаги қуёшдир.*

В. ГЮГО

● Ёз — 2008 ●





***Экологик муҳити оғир Оролбўйи ҳудудида яшовчи болалар саломатлигини муҳофаза қилишга мамлакатимизда катта эътибор қаратилган. Жорий йилги мавсумда ҳам пойтахтимиз корхона ва ташкилотларига қарашли оромгоҳларда 2000 нафар қорақалпоғистонлик ўғил-қизларнинг соғломлаштирилиши режалаштирилган.***

## Ҳордиқ кўнгилли ўтди

Айни пайтгача уларнинг катта қисми сўлим масканларда дам олдирилди. Яқинда «Жанубий» темирйўл вокзалида Стрелцов номидаги, «Нурафшон», «Машъал» оромгоҳларида дам олган қорақалпоғистонлик 620 нафар ўқувчини кузатиш маросими бўлди. Биз улардан бир нечтаси билан суҳбатлашиб, оромгоҳ ҳаёти ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

— Элликқалъа туманидаги 5-лицей ўқувчисиман, — дея ўзини таништирди Дадахон Тўрахонов. — Стрельцов номидаги оромгоҳда дам олдим. Яратилган шароит менга жуда ёқди. Турли тўгаракларга қатнашдим. Спорт билан шуғулландим. Қисқаси, яйраб ҳордиқ чиқардим.

— Тоғ саёҳати менда яхши таассурот қолдирди, — дейди тўрткўллик Бобур Сотимов. — Айниқса, футбол мусобақасида 1-ўринни эгаллаганимиз эсда қоларли бўлди. Энг муҳими, оромгоҳда кўплаб дўстлар орттирдим.

Болаларга тарбиячилик қилган ёш ўқитувчи Шарофат Қозоқова суҳбатимизга қўшилади:

— Ўқувчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун қўлдан келганча ҳаракат қилдик. Бу ерда болалар бадиий асарлар ўқиш, спорт, рақс, каштачилик тўгараклари, актёрлик мактабида қатнашиш имконига эга бўлишди. Ўйлайманки, янги ўқув йилини улар кўтаринки кайфиятда кутиб олишади.

Болалик хотирасига муҳрланаётган бундай ажойиб лаҳзалар эртамиз эгаларининг ҳар томонлама етук инсон бўлиб камол топишига замин яратиши, шубҳасиз.

**Тўлқин ШЕРНАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

## Ҳар бир кун завқли

***«Ҳумо» болалар оромгоҳи Уйчи туманининг энг сўлим масканларидан. Шу кунларда бу ерда ўқувчилар мириқиб дам олмоқда.***

Оромгоҳда мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди. Туман ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг эътибори туфайли оромгоҳ ўзгача чирой очиб, шарт-шароитлар яхшиланди.

— Бу йил икки навбатда 400 нафар болани қабул қиламиз, — дейди оромгоҳ директори Баҳодир Пузалов. — Биринчи навбатда Учқўрғон ҳамда Уйчи тумани агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кенгашлари йўлланмаси билан 200 нафар бола ҳордиқ чиқарди. Иккинчи навбатда яна 200 нафар ўқувчи «Ҳумо» бағрида яйраб дам олмоқда.

Оромгоҳда болаларнинг ҳар бир куни қизиқарли ўтаяпти. Кунора туманнинг диққатга сазовор жойлари, халқ музейи, «Пахтакор» стадиони, «Хотира хиёбони», табиат қўйнига саёҳат уюштирилаяпти. «Полвонжон», «Қувноқ стартлар» мусобақалари, «Кичик ҳамшира», гербарий тайёрлаш танловлари қизғин баҳсларга бой бўлди.

Яқинда «Камолот»нинг туман бўлими томонидан спортнинг бир неча тури бўйича ўтказилган мусобақалар болаларда унутилмас таассурот қолдирди. Етакчилар ўртасидаги «Оқила қиз» танловида Камола Нозиматова ғолибликка эришди. Ғолиблар ва фаол иштирокчилар рағбатлантирилди.

**Муҳаммадали ҚАМБАРОВ**

## «Нефтчи»да яйраяпмиз

Бухоро шаҳридаги «Нефтчи» болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳи дарвозасидан кирар экансиз, ариқдаги зилол сув, улкан дарахтларнинг қалин сояси, ям-яшил майдончалар, каттагина бассейнни кўриб роҳатланасиз. Ана шундай оромбахш гўшада 250 нафар ўғил-қиз яйраб дам олмоқда.

Дам олувчилар орасида Бухоронинг истиқболи порлоқ спортчиларидан бири Диана Сулеймановани учратдик. Унинг ҳар бир сўзини ёшлар эътибор билан тинглаб, ҳаракатларига маҳлиё бўлишарди. Айни пайтда оромгоҳда жисмоний тарбия ўқитувчиси вазифасида ишлаётган 19 ёшли Диана турон яккакураши ва самбо бўйича нафақат республика, балки Осиё мусобақаларида ҳам муваффақиятли қатнашиб, халқаро тоифадаги спорт устаси бўлди.

Оромгоҳ бош етакчиси Муножот Рўзиева кутубхонадаги қизларни бизга таништирди.

— Мен республикамиздаги бир қатор оромгоҳларда бўлганман. Лекин уларнинг ҳеч бири «Нефтчи»га тенг келолмас экан, — дейди Бухоро шаҳридаги 32-«Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиси Оксана Онишченко. — Бу ердаги қизиқарли тадбирлар, қулай шарт-шароит, тарбиячиларнинг меҳрибонлиги менга жуда ёқди.

Дарҳақиқат, оромгоҳда унинг ҳомийси — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишчиларининг фарзандларидан ташқари меҳрибонлик уйлари, кам таъминланган оила болалари ҳам яйраб ҳордиқ чиқараяпти.

Оромгоҳда тадбирлар мундарижаси ранг-баранг. «Истиқлол дурдоналари», «Кулинг, умрингиз узоқ бўлади», «Оромгоҳ маликаси» каби кўнгилочар тадбирлар шулар жумласидандир. «Моҳир қўллар», «Ёш китобхон» тўгараклари машғулотлари, спорт мусобақалари ёшларга завқ бағишламоқда.

Дам олиш жараёнида болаларнинг яхши овқатланишига катта эътибор берилаяпти. Бу ерда 5 маҳал овқат ташкил этилган. Завод маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳар бир дам олувчининг кунлик овқати учун 4500-4700 сўм миқдорида маблағ ажратмоқда.

— Бу йил 4 босқичда 1000 нафар болани дам олдиришни режалаштирганмиз, — дейди «Нефтчи» оромгоҳи бошлиғи Файзулло Қудратов. — Бунинг учун бизда барча имконият мавжуд.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**





## Янгиликлар панорамаси

● Қашқадарё

### Инсон ҳуқуқларига бағишлаб

**Қаршидаги Саидо Насафий номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида «БМТ ташкилоти CEDAW қўмитасининг тавсияларини бажариш бўйича миллий ҳаракат дастури механизмларини тушунтириш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг оила, аёллар ва ёшлар ишлари доимий комиссияси ва фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят бўлими ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда депутатлар, сиёсий партиялардаги «Аёллар қаноти» раислари, вилоят адлия бошқармаси ва нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, шунингдек, талабалар иштирок этди.

Мулоқотда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ва Президентимизнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармонининг ижросини таъминлаш соҳасида қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳақида сўз юритилди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Андижон ●

### Талабалар саёҳатга чиқишди

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан олий ўқув юртларида таҳсил олаётган бир гуруҳ фаол ва аълочи талабаларнинг водий шаҳарлари бўйлаб саёҳати уюштирилди.

Андижон давлат тиллар педагогика, муҳандислик-иқтисодиёт институтлари ҳамда Андижон давлат университети ёшлари Марғилон, Қува, Қўқон шаҳарларида бўлиб, тарихий қадамжоларни зиёрат қилишди. Истиқлол даврида бунёд этилган муҳташам бинолар, Ал-Фарғоний мажмуи, қайта таъмирланган Увайсий уй-музейи, Пири Сиддиқ мадрасаси уларда бир олам таассурот уйғотди.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

● Сирдарё

### Маҳсулотлар элга манзур

Вилоятда кўплаб саноат корхоналари самарали фаолият кўрсатмоқда. Улардан бири «Бахтқишлоқхўжаликмаш» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасидир. У асосан қишлоқ хўжалиги техникалари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу вилоятдаги қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермерлар учун катта қулайлик туғдирмоқда. Корхонада ҳар ойда 45-50 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти. Маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори ва сифати тобора ортиб, буюртмачилар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда.

Ҳозир корхонада 100 га яқин киши меҳнат қилади. Уларнинг унумли ишлаши учун катта қулайлик яратилган. Ишчилар икки маҳал иссиқ овқат, зарур кийим-бош билан таъминланган. Жамоа аъзоларига иш ҳақидан ташқари пул мукофотлари ўз вақтида бериб борилаяпти.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**

## Фаолиятимиз мезони меҳнаткашларга кўпроқ наф келтиришдир

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг бўлим мудири Валижон Кочкаров билан суҳбат**

— Истиқлол шарофати билан касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг шакл-шамойили ўзгарди. Илгари мазкур ташкилотни уй-жой, камёб буюмлар тақсимлайдиган ташкилот сифатида билишган бўлса, эндиликда у ишчи-хизматчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялайдиган ташкилот сифатида ўзига хос нуфузга эга бўлди. Айни пайтда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши тизимида 14 та тармоқ ҳамда 14 та ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. 25 минг 700 та бошланғич ташкилотга 6 млн. 300 мингдан зиёд аъзо бирлашган. Уларнинг манфаатларини ҳимоялашда келишув ҳамда жамоа шартномалари асосий омил бўлмоқда. Рақамлар тили билан айтганда, жамоа шартномаси орқали ҳар бир аъзо ўзи тўлаган аъзолик бадалига нисбатан 46 баравар кўпроқ манфаат кўрмоқда.

Ҳар бир шахс қулай шароитда ишлаш ҳуқуқига эга. Шу боис касаба уюшмалари амалдаги қонунларга мувофиқ ишчи-хизматчиларнинг меҳнат муҳофазасига катта аҳамият бериб келаяпти. Ишлаб чиқаришда бехатар меҳнат шароити яратиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш масаласида муросасизлик позициясини танлаганимиз бежиз эмас. Дарвоқе, ташкилотимиз ходимнинг аризасига мувофиқ иш жараёнида соғлиғига етказилган зарар қопланишига бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун даъво аризаси билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига ҳам эга.

**— Мустақиллик туфайли чет эл касаба уюшмалари фаолиятидаги илғор тажрибаларни ўзимизда жорий этиш имконияти туғилди. Ўз навбатида биздаги айрим янгиликлардан чет элларда фойдаланишмоқда.**

— Тўғри айтдингиз. Асосийси ўз қобиғимизга ўралиб қолмасликда. Шу боис имкониятдан келиб чиққан ҳолда чет эл янгиликларидан воқиф бўлиб турибмиз. Айниқса, Япония, Жанубий Корея ва Хитой касаба уюшмалари билан алоқаларимиз яхши. Ўзбекистон касаба уюшмаларининг вакиллари ҳар йили Япония меҳнат фонди (ЖИЛАФ) ва Жанубий Корея меҳнат фонди (КОИЛАФ) томонидан ташкил этилаётган ўқув дастурларида иштирок этмоқда.

МДҲ давлатлари касаба уюшмалари билан, масалан, трансмиллий корпорациялар, миграция жараёнлари, бандлик масалаларида ўзаро ҳамкорлик асосида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Фаолиятимизда Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) билан ўзаро ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. ЎзКУФК ва аъзо ташкилотларнинг саъй-ҳаракати натижасида республикамизда ХМТнинг асос солувчи конвенцияларининг кўпчилиги ратификация қилинган.

ХМТнинг Марказий Осиё ва Шарқий Европа бўйича Москва офиси билан ҳамкорликда ижтимоий шерикчилик, меҳнат муҳофазаси, ёшлар бандлиги ва бошқа масалаларга бағишланган семинарлар ўтказиб келинаётганлиги ҳам эътиборга молик.

Давоми 2-бетда

# Мақсадимиз – инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш

(Боши 1-бетда).

**— Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир ташкилот ўз хизматини бошқаларга таклиф қилишни ўрнига қўя билиши зарур. Шу боис Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 4-қурултойида касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини асослаш муаммоси тобора долзарб бўлиб бораётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилганди.**

— Лекин биз бу нарсага ўз манфаатимиз нуқтаи назаридан эмас, балки давр



## Фаолиятимиз мезони

### меҳнаткашларга кўпроқ наф келтиришдир

олдимизга қўяётган вазифалардан келиб чиқиб ёндошаётганимизни таъкидлашни истардим. Маълумки, Президентимиз Ислом Каримов томонидан мамлакатимиз иқтисодиётида нодавлат сектор салмоғини ошириш, мазкур секторга мансуб корхона ва ташкилотларнинг самарали ишлаши учун зарур бўлган ҳуқуқий-меъёрий базани изчил равишда такомиллаштириб бориш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бунинг самараси ўлароқ мулкчиликнинг нодавлат шаклига мансуб хўжалик юритувчи субъектлар сони кундан кунга ортиб бормоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш туфайли рўй бераётган ўзгаришлар, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнининг тобора жадаллашаётгани, трансмиллий компанияларнинг кириб келиши у ерда ишлаётган ҳар бир меҳнаткашнинг ҳақ-ҳуқуқини изчиллик билан ҳимоя қилишни тақозо этади.

Бу йўналишни келишувлар ҳамда жамоа шартномалари билан янада тўлароқ қамраб олиш мақсадида нодавлат сектори, айниқса, қўшма корхоналар, кичик ва ўрта бизнес, фермер хўжаликлари ходимлари ўртасида касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини асослаш бўйича кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур муаммолар бўйича мунтазам равишда мониторинг ўтказилаяпти.

**— Айрим қўшма корхоналар раҳбарлари касаба уюшма ташкилоти тузилишига нохуш қарашмоқда деган фикр бор?..**

— Республика бўйича мазкур масалани ўрганиб чиқиш мақсадида гуруҳ ташкил этилиб, унга Федерация аъзолари, тармоқ касаба уюшмалари ҳамда ҳудудий бирлашмаларнинг мутахассислари жалб этилди. Хабарингиз бор, 1999 йилдаёқ касаба уюшма органлари олдига қўшма корхоналар ходимларини 100 фоиз касаба уюшмаларига жалб этиш вазифаси қўйилган эди. Лекин таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айрим қўшма корхоналар раҳбарлари ўз ходимларининг манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг ролини тўлалигича англаб етмаяпти. Шу сабабли айни кунда чет эл инвестицияси билан ишлаётган корхона ҳамда ташкилотларнинг 133 тасида касаба уюшма ташкилоти тузилмаган.

Бугунги кундаги муаммолардан яна бири собиқ ширкатлар ўрнида ташкил этилган фермер хўжаликлари аъзоларини касаба уюшмаларига жалб этишдир. Нодавлат сектордаги корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш борасида йилдан-йилга такрорланиб келаётган камчиликлар ечимини топмаяпти. Техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларига оид муаммолар нодавлат сектордаги корхоналарда ҳал этилмаяпти. Айниқса, қурилиш, енгил саноат, транспорт тармоқлари корхоналарида зарарли шароитларда ишлаётганлар сони камаймаяпти.

Ачинарли томони шундаки, айнан шу корхоналарнинг кўпчилигида меҳнат қонунчилиги нормалари бузилмоқда. Қўшма корхоналарнинг айримларида ишга қабул қилишда ёшнинг чекланиши, меҳнат шартномасига қонунга зид шартларнинг киритилиши кузатилмоқда. Фермер хўжаликлари, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат соҳаларида, қурилиш тармоғининг нодавлат секторига мансуб корхоналарнинг аксариятида иш берувчи ҳамда ходимлар ўртасида меҳнат муносабатлари расмий тарзда йўлга қўйилмаган. Ходимларнинг, кўпинча иш берувчиларнинг ҳуқуқий билими етишмаслиги, боз устига иш берувчиларнинг фақат ўз фойдасини кўзлаб фаолият юритиши натижасида келгусида пенсия таъминоти масалаларида ёки ходим касалга чалинганда, соғлиғига зарар етганда турли муаммолар келиб чиқиши ҳеч кимни ташвишлантирмаяпти.

Яна бир жиҳат. Мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши жараёнида меҳнаткашларнинг маънавий камолоти учун зарур бўлган ижтимоий объектлар — маданият уйлари ва саройлари, клуб ва кутубхоналар, спорт базалари сони қисқариб кетди. Баъзи корхоналар раҳбарлари буларга «ортиқча юк»дай қараб, нима қилиб бўлса-да, улардан қутулиш пайига тушиб қолди. Бу ҳолат билан, албатта, келишиб бўлмайди.

**— Бинобарин, давр ташаббускор, замон талаблари даражасида фикрлайдиган етакчиларни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқламоқда. Бу борада қандай ишлар амалга оширилаяпти?**

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Федерация кенгашининг раёсати қарори асосида «Ўқув маркази»мизда касаба уюшма ходимлари ҳамда фаолларининг ўқуви мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Режага биноан ҳар йили 1200 дан зиёд киши малакасини ошираяпти. Ўқув режаларида Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларини ўрганиш, «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда касаба уюшмаларининг роли», «Мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати ҳамда унинг геосиёсий тизими» каби бир қатор долзарб мавзуларда чиқишлар уюштирилаяпти. Маъруза, амалий машғулот, давра суҳбатлари кенг қўлланмоқда. Шунингдек, тингловчиларни Тошкент шаҳри ва вилоятидаги таянч касаба уюшма ташкилотларининг фаолияти билан таништириб бориш ҳам йўлга қўйилган.

Маълумки, жорий йил юртбошимиз ташаббуси билан «Ёшлар йили» деб номланди. Шу муносабат билан май ойида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши билан ҳамкорликда «Чотқол» санаторийсида олий ўқув юртлари касаба уюшма қўмиталари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси етакчиларининг 3 кунлик ўқув семинари ўтказилди. Унда 90 нафар тингловчи қатнашди.

Кўриб турганингиздек, муайян ишлар қилинди. Режадаги ишлар эса кўп. Мақсадимиз битта. Барча саъй-ҳаракатларимиз меҳнаткашларга имкони борича кўпроқ наф келтиришга қаратилган.

**Суҳбатдош:**
**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Адолат қарор топди

Ёш кадрларни тарбиялаш, маҳоратини ошириш муҳим масала. Жамоада уларга йўл кўрсатувчи фидойилар бўлса, қийинчиликлар ҳам енгил кечаркан.

Лиля Белялова том маънода Гулшодага устозлик қилди. Улар уч йил бирга ишлашди. Оқкўнгил аёл қизнинг ишга кўникишига ёрдамлашди, касб сирларини ўргатишга интилди. 2006 йилнинг кузида у ишдан бўшаб кетди. Гулшода Норқозоқовага унинг ўрни жуда билинди. Ишни илмий раҳбари Лиля Беляловадан ўрганганидек давом эттиришга интилди. Аммо бошлиқ муовини ҳайдовчиси сенга раҳбар дейишгач, ҳафсаласи пир бўлди. Ҳали буниси ҳолва экан. Шу йилнинг апрел ойида март ойи учун ходимларга ойлик тарқатилаётганини эшитиб, ғазначига учради. Сенга маош ёзилмаган, март ойида ишдан бўшатилгансан деган жавобдан ҳайрати ошди. Қайси айби учун? Ишдан бўшатилса, буйруқ қани? Биров буйруқ чиқарилган деди, биров чиқарилмаган дея елка қисди. Зарафшон давлат қўриқхонаси раҳбари ҳам ҳеч қандай буйруқни имзоламаганини айтди.

Апрел ва май ойини ана шундай аросатда ўтказди. Ниҳоят 5 май куни қўлига ишдан бўшатилганлиги тўғрисидаги буйруқни тутқазишди. Ноҳақликка чидай олмаган Гулшода Норқозоқова агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгашига ариза билан мурожаат қилди.

— Зарафшон давлат қўриқхонасида бўлиб, бу масалани жиддий ўргандик, — дейди АСМ ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши бўлими мудири Маннон Қурбонов. — Қўриқхона маъмуриятининг 2008 йил 10 мартдаги буйруғи билан меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Буйруқда қайд қилинган айбловлар сира қовушмайди. Унда ишга совуққонлик билан қарагани, директор муовини Н.Мармазинская берган топшириқларни бажармагани боис меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги қайд этилган. Гулшода Норқозоқова эса айбловлардан бехабар. Директор муовини Н.Мармазинскаянинг буйруққа илова қилинган билдиргиси билан ҳам таништирилмаган. Ташкилот касаба уюшма етакчиси розилиги олинмаган.

Хуллас, хатолар бир талай. Вилоят кенгаши аралашгач, ғўр буйруқнинг ноқонунийлиги аён бўлди. Ноҳақ ишдан бўшатилган Гулшода Норқозоқова ишга тикланди.

Мажбурий ишсиз юрган кунлари учун маош тўлаш қўриқхона маъмурияти зиммасига юклатилди.

**Нурулла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

### Дил изҳори

## Миннатдорман

Бир йил аввал Қарши шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 26-мактаб директорининг буйруғи билан тўсатдан ишдан бўшатилдим. Раҳбариятнинг ноқонуний хатти-ҳаракати қаттиқ таъсир қилди.

Ноҳақликка чидай олмай таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгашига мурожаат қилдим.

Аризам кенгаш ҳуқуқшуноси Ниёз Пардаев томонидан синчиклаб ўрганиб чиқилди ва ноқонуний буйруқни бекор қилиш бўйича мактаб маъмуриятига тақдимнома киритилди.

Ҳақиқат қарор топиб, ишга тикландим ва иш ҳақларим тўланди. Ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш учун астойдил жон куйдираётган касаба уюшма ташкилотидан бениҳоя миннатдорман.

**Комила СОБИРОВА,**
**Қарши шаҳридаги 26-мактаб ўқитувчиси**

## Ўзаро шерикчилик

### фақат фойда келтираяпти

*«МДС—Сервис» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонасининг асосий мақсади халқимизнинг соғлиғини сақлашга қаратилган. Клиникамиз ташкил топган 1996 йилдан буён касаба уюшма ташкилоти билан баҳамжиҳат ишлаб келаяпмиз. Айни вақтда жамоамизда 300 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Ишга жойлашаётган кишиларнинг «Касаба уюшма ташкилоти фаолият кўрсатадими?» деб сўраши, очиғи, мени жуда қувонтиради. Чунки шахсан ўзим бу жамоат ташкилотини ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилгани учун ҳурмат қиламан. Бунда қўшма корхонамизда имзоланган жамоа шартномаси қўл келмоқда.*

*Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшма Марказий кенгашининг Ҳамза туманидаги ваккиллиги бизга кўп ёрдам кўрсатмоқда. Уларнинг кўмагида турли маданий ҳамда спорт тадбирлари ўтказилмоқда. Санаторийларга йўлланмалар тарқатилаяпти.*

*Бир сўз билан айтганда, касаба уюшма ташкилоти билан ҳамкорлик самара бераяпти.*

**Дилбар ГАЛИЕВА,**
**қўшма корхона директори**



***Касаба уюшмаси бугун нодавлат секторга ҳам жадаллик билан кириб келмоқда. Шу йилнинг феврал ойида 180 нафар ишчи-ходим меҳнат қиладиган «Ay Demir Tekstil» ОАЖ Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида касаба уюшма қўмитаси ташкил этилган эди.***

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**





## Касаба уюшмаси:

- *легал ва муносиб меҳнатга бўлган конституцион ҳуқуқингизни рўёбга чиқариш;*
- *меҳнатингиз учун муносиб ҳақ олиш;*
- *жамоа шартномаларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш;*
- *касбий тайёргарликдан ўтиш, ўқиш, қайта ўқиш ва малака ошириш;*
- *меҳнат муносабатлари соҳасида камситишлар ва ноқонуний ишдан бўшатилишдан ҳимояланиш;*
- *адолатли иш ҳамда дам олиш вақти режимига бўлган ҳуқуқингизни амалга ошириш;*
- *ҳақ тўланадиган таътил олиш, моддий ёрдам, бетоблик, бахтсиз ҳодисалар, ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ нафақаларни олиш;*
- *қариликда муносиб пенсия олиш масалаларида Сизга ёрдам беради.*

**Касаба уюшмалари балансида 75 та маданият саройи ва уйи, клублар мавжуд. Уларда фаолият кўрсатаётган 485 та тўгарак, бадиий ҳаваскорлик жамоаларида 1,6 млн.га яқин киши шуғулланиб келмоқда. 102 та кутубхонадаги китоб фонди 1,1 млн. нусхани ташкил этади.**

## Эртанги кун кафолати

***Ишончли ижтимоий ҳимоя воситаси нима деган саволга «Ўзбектелеком» АКнинг «Сирдарётелеком» филиали ва «Ўзбекистон почтаси»нинг «Сирдарё почтаси» филиали ходимлари лўнда қилиб «Жамоа шартномаси» дея жавоб қилмоқдалар.***

«Сирдарётелеком» тизимида 11 та туман ва шаҳар телекоммуникация боғламалари фаолият кўрсатмоқда. Уларда 573 киши меҳнат қилади. Шундан ёшлар 210 кишини ташкил қилади.

Маъмурият ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси ўз зиммаларига олган, 167 та банддан иборат мажбуриятларни тўлиқ бажаришган. Таҳлилларнинг кўрсатишича, жамоа шартномасининг 8-бўлимида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, товон пули, устама ва бошқа мукофотлар бўйича 19 та банд ижроси ҳам кўнгилдагидек таъминланган.

Барчани мамнун этган жиҳат шундаки, штат жадвали асосида ҳар бир ходимга ўртача 70.300 сўмдан иш ҳақи тўлаш кўзда тутилган бўлиб, жамоа шартномаси бўйича бу кўрсаткич 96.600 сўмга тўғри келди. Тармоқда узоқ йиллар самарали ишлаган ходимлардан 416 нафарига йил давомида ўртача 98.800 сўмдан устама ҳақ берилган. Ушбу кўрсаткич йил якуни бўйича 41 млн. 107 минг 800 сўмни ташкил этди.

Бу ҳақда «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти Сирдарё филиали бошлиғи Тожимирза Сайфуллаев ҳам фикрини билдирди:

— Дарҳақиқат, жамоа шартномаси яхши самара бераяпти. Агар тизимда ўртача ойлик иш ҳақи 53.600 сўм қилиб белгиланган бўлса, жамоа шартномаси бўйича ўртача маошни 84.100 сўмга етказишга эришдик.

Суҳбат асносида телефон алоқаси тармоғида ишлаётган ёшлар учун қандай имтиёзлар белгиланганлиги билан қизиқдик.

— Ёшлар йили дастури бўйича соҳада узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган ходимларнинг олий ўқув юртларида таҳсил олаётган фарзандларининг ўқиш пулини, шунингдек, республика миқёсида грант ғолиблигини қўлга киритиб, Россиянинг Санкт-Петербург ахборот технологиялари университетига қабул қилинган ёш ходимимиз Умида Дўсчанованинг ўқишга бориб-келиш харажатларини маъмурият томонидан тўлиқ қоплаш масаласи жамоа шартномасига киритилди, — деди телефон ва почта алоқаси ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Улуғбек Таниқулов.



Бундан ташқари, ёшлардан 12 нафари ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртларида таҳсил олаяпти. Уларнинг ҳар бирига навбатдаги ўқув сессиясига бориши учун 85.500 сўмдан тўланди. Ишловчи ёш ходимлардан 3 нафари саломатлигини тиклаш мақсадида имтиёзли йўлланма билан таъминланди.

Шунингдек, ходимларимизнинг 220 нафар фарзандини ёзги оромгоҳларда бепул дам олдириш кўзда тутилган. Ҳозиргача улардан 112 нафарига йўлланма берилди.

**— Жамоа шартномасида иш ўринларини аттестациядан ўтказиш ва ходимлар саломатлигига етказилган зарарни қоплаш кўзда тутилганми?**

— Иш ўринлари аттестациядан ўтказилганда ходимларнинг саломатлиги учун зарарли бўлган 71 та иш ўрни аниқланди. Ишчиларга хавфсиз иш шароитини яратиш мақсадида маъмурият томонидан 18 млн. 508 минг 200 сўм сарфланди, бу ҳар бир ходимга 260.700 сўмдан тўғри келади.

Ходимлар учун ижтимоий имтиёзлар жамоа шартномасининг 11-бўлимида кўзда тутилган бўлиб, 491 нафар ходим меҳнат таътилига чиқишида ўрта ҳисобда 85.500 сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳаётда яхши-ёмон кунлар бўлади. Жамоа шартномаси ҳам ҳаётий тажрибага асосланиб имзолангани туфайли ходимларнинг яқин қариндошларини дафн этиш мақсадида 50 кишига 155.000 сўмдан, тармоқда кўп йиллар меҳнат қилган, ҳозирги пайтда ишламаётган пенсионерлардан 130 кишига 36.000 сўмдан моддий ёрдам берилди.

624 нафар ходим ойлик телефон ҳақини тўлашдан озод қилинган.

Ўйлаймизки, бундан кейин ҳам жамоа шартномаси барқарорлик ва фаровонлик гарови бўлиб қолаверади.

**Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Ойлик ўз вақтида тўланмоқда

***Юртбошимизнинг Бухорога ташрифи чоғида фермерлар фаолияти, меҳнаткашларга ҳақ тўлаш борасида савол-жавоблар бўлди. Асосий мақсад меҳнат аҳлининг манфаатдорлигини ошириш, фаровонлигини яхшилашга қаратилди.***

***Хўжалигимиз ташкил этилганига саккиз йил бўлди. Ўшанда 10 гектар еримиз, 7 нафар аъзомиз бор эди. Танловларда қатнашиб, ерларимизни кўпайтирдик. Айни пайтда 2 гектар мевазор, 18 гектар ғалла, 38 гектар пахта майдонига эгамиз. Барча агротехник тадбирларни бошланғич касаба уюшма ташкилотига бирлашган 28 нафар доимий аъзомиз билан амалга ошириб, йил сайин ҳосилдорликни юксалтириб келаяпмиз. Бултур ғалладан 57 центнер, пахтадан 39 центнер ҳосил олган эдик. Боғимизда етиштирилган мевалар ҳам баракали бўлди. Пировардида соф фойдамиз 30 млн. сўмни ташкил этди. Жорий йил режалари эса янада улуғвор.***

***Даромадимизнинг асосий қисмини аъзоларимизнинг шароитини яхшилашга, манфаатдорлигини оширишга қаратаётганимиз ишимизда юқори унумни таъминлаяпти. Меҳнатдан қадр топаётган деҳқонларнинг ерга муносабати ҳам бошқача бўлаяпти.***

***Хўжалигимизда Жонпўлат Раҳимов, Салим Бердиев механизаторлик қилади. Укаларим Шавқиддин ва Хайриддин дала ишларига масъул, сувчилик вазифасини ҳам бажаришади. Ҳосил тақдири асосан шулар қўлида. Уларнинг ҳар бири ўз касбининг устаси. Лозим пайтларда кеча-кундаз меҳнат қилишади. Шундай фидойилар меҳнатини қадрламай бўладими? Биз уларга ҳар ойда 160-170 минг сўмдан маош тўлаяпмиз. Бошқа аъзоларимиз ҳам меҳнатига яраша тақдирланаяпти.***

***Қишлоқда яшайдиган аҳолининг ташвиши оз дейсизми? Рўзғор, томорқа, иморат, тўй-маъракалар ҳам эътиборни талаб қилади. Бу борада ҳам аъзоларимизни ҳамиша қўллаб-қувватлаймиз.***

***Деҳқончиликни ривожлантириш учун техникамиз етарли. Ҳайдов, чопиқ, транспорт тракторларимиз бор. Яқинда 20 та қорамол харид қилиб, чорвачиликни йўлга қўйдик. Паррандачиликни ташкил этиш ниятимиз бор.***

**Шамсиддин МАНСУРОВ,**
**Ғиждувон туманидаги «Шамшод Шамсиддин Шамс» фермер хўжалиги раҳбари**

Етакчи минбари

# Қулай шароит – самарадорлик манбаи



Меҳнат муҳофазаси ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, иш ўринларини аттестациядан ўтказиш касаба уюшмаларининг ҳозирги босқичдаги асосий вазифаларидан бирига айланган. Корхонамиз касаба уюшма ташкилоти меҳнат аҳли тўғрисида ғамхўрликни кучайтириб, жуда катта ҳудудда иш олиб бораётган 3318 нафар ишчи-хизматчи ходимларнинг унумли ва баракали ишлашини таъминлашга жиддий эътибор бераяпти. Қўмитамизнинг 11 нафар аъзоси ва кенгаш ҳузуридаги доимий комиссиялар фаолияти намунали ва қулай шароит яратиб беришга йўналтирилган бўлиб, йиғилишларда бу борадаги ишлар чуқур таҳлил этилмоқда. Аниқланган нуқсонларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Бир йилда 20212,7 минг метр куб газ, 667,9 минг тонна барқарорлашмаган конденцат, 190,5 минг тонна нефт, 99,0 минг тонна суюлтирилган газ ва 3 минг тонна олтингугурт ишлаб чиқараётган корхонамиз республика ёқилғи-энергетика комплексининг асосий таянчларидан ҳисобланади. Унинг тасарруфида Феруза, Деҳқонобод, Хонобод, Қоратепа, Шимолий Шўртан, Қумчуқ, Ғармистон, Тандирча, Шўртан, Илим, Зафар, Чунагар, Бўзахур, Шимолий Бўзахур, Қоратепа, Сарича, Шарқий Тошли каби нефт-газ конлари бўлиб, замонавий мураккаб технологиялардан фойдаланилаётганлиги ниҳоятда эҳтиёткорлик ва хушёрлик билан иш тутишни тақозо этади. Улкан иншоотларда меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига тўлиқ мос келадиган қулай шароитларни яратиш касаба уюшмасининг доимий назоратида.

Меҳнаткашлар манфаатларини таъминлашда жамоа шартномаларининг аҳамияти беқиёс. Ўтган йил жамоа шартномаларида кўрсатилган имтиёзлар орқали ҳар бир кишига 846 минг сўмдан маблағ сарфланди. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига 826 миллион сўмдан зиёд маблағ харж қилинди. Шундан жамоа шартномасида кўриб чиқилган комплекс тадбирларга 61 миллион 505 минг, шахсий ҳимоя воситалари учун 520 миллион 206 минг, биринчи ўт ўчириш ускуналари билан таъминлашга 214 миллион 628 минг, сут ва сут маҳсулотлари учун 29 миллион 687 минг сўм сарфланди.

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, иш ўринларини аттестациядан ўтказиш касаба уюшма қўмитасининг доимий эътиборида турибди. Корхонамизда 132 нафар жамоатчилик вакиллари сайланган. Улар конлар ва цехлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли далолатномалар тузадилар, маъмуриятга тақдимномалар киритадилар. Газни олтингугуртдан тозалаш цехи кузатувчиси Абдужалил Қудратов, нефт маҳсулотларини қуйиш, жўнатиш цехи кузатувчиси Баҳриддин Ҳасанов, Сув таъминоти ва канализация цехи машинисти Ғафур Худойбердиев, Шўртан конидан Олим Шоймуродов, конденцатни барқарорлаштириш цехидан Жонқобил Мейлиевлар талабчанлик ва масъулият билан иш юритишаяпти. Уларнинг тавсияси билан олтингугурт олиш, газни олтингугуртдан тозалаш, механика- таъмирлаш, тошли нефт қазиб чиқариш цехлари ва Шўртан конларининг меҳнат муҳофазаси бўйича фаолияти ўрганилиб, қўмита йиғилишларида муҳокама этилди.

Мавжуд объектларда профилактик ишларни намунали олиб борганликлари, меҳнат муҳофазаси бўйича меъёр ва қоидаларнинг бажарилишини таъминлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганликлари ва меҳнат шароитини яхшилаб боришни таъминлаганликлари учун муҳандис-техник ходимлар ва ишчи хизматчилардан 393 нафари рағбатлантирилди.

Мамлакат миқёсида ўтказилган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»да «Ўзнефтгазқазибчиқариш» акционерлик компанияси тизимида иккинчи ўринни қўлга киритганлигимиз учун фаол ходимлардан бир гуруҳига пул мукофотлари берилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматида 12 нафар олий маълумотли тажрибали мутахассислар ишлайди. Меҳнат муҳофазаси бўйича бош муҳандис ўринбосари И.Одилов, етакчи мутахассислардан Д.Ахматов, З.Бўронов, Б.Халилов, З.Ғуддиев ўтказилган текширишларда аниқланган камчиликларни бартараф этишда ташкилотчи ва ташаббускор бўлишаяпти.

Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакилларнинг ишини ташкил этиш бўйича республикада энг намунали деб топилиб, касаба уюшмалари Федерация кенгашининг дипломи ва пул мукофоти билан тақдирланган касаба уюшма ташкилотимиз меҳнат аҳлига қулай шароит яратиб бериш учун янада талабчанлик билан иш олиб бораяпти.

**Акбар МАМАТҚУЛОВ,**
**«Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси**

● Маҳалла - Ватан ичра Ватан

# Ота ишини давом эттириб

Гулистон шаҳридаги йирик маҳаллалардан бири «Фарҳод» деб аталади. Ушбу маҳаллага бир пайтлар Мирзачўлни ўзлаштириш ниятида юртимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган кишилар асос солишган. Улар ушбу масканда қўним топиб, илдиз отдилар. Бир-бирлари билан ёр-биродар тутиниб, қуда-андали бўлишди. Маҳалланинг биринчи оқсоқоли этиб сайланган Маматқул Раҳмонқулов бу вазифада роппа-роса ўттиз йил фаолият кўрсатди. Ўшанда у жамоатчилик асосида ишлаб одамларга кўп яхшиликлар қилди. Ваҳоланки, маҳалланинг идораси ҳам йўқ эди. Қабулхона ўз уйи эди.

Оқсоқол эл-юртга етакчилик қилишнинг ҳадисини олганди. Ҳузурига бирор бир иш билан келган маҳалладошининг ҳожатини чиқаришга интиларди. Шу боисдан ҳам кўплаб муаммолар тезда ҳал этилар, одамлар ҳам оқсоқол хонадонидан хурсанд бўлиб қайтишарди.

«От изини той босади» деган гап жуда топиб айтилган. Маматқул ота кексайиб, куч-қувватдан қолгач, маҳалла аҳли унинг ўғлини ўзларига етакчи қилиб сайладилар. Мухтор ака отасининг ишини муносиб давом эттириб, қарийб йигирма йилдан буён етакчилик қилиб келмоқда.

Бугунги кунда бу ерда беш минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. У фуқароларни моддий қўллаб-қувватлаш, ёшларни иш билан таъминлаш, касб-ҳунарга даъват этиш каби кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. Оқсоқол ташаббуси туфайли маҳалла ҳудудидаги ташландиқ хароба аҳволдаги ер ободонлаштирилиб, боғ барпо этилди. Маҳалладаги кам таъминланган, кўп болали оилаларга саҳоватпеша инсонлар «биз ҳам бир ёндан», дея қаторда туришгани муаммолар ечим топишида қўл келмоқда. Ана шундай очиққўлли кишилар яқинда 10 та оилани қорамол билан таъминлади. Кам таъминланган, кўп болали аёл Сайёра Мирзаевага тадбиркор Музаффар Ёриев соғин сигирни бузоғи билан топширганда, барча шундай хайрли ишларга бош-қош бўлаётган оқсоқолни алқади. Раиснинг саъй-ҳаракатлари туфайли маҳалла кўчалари, чор-атроф ободонлаштирилди. Шаҳардаги йирик саноат корхоналари билан келишган ҳолда ишсизлар иш билан таъминланишди. Ҳозирда маҳалладаги 20 та хонадонда касаначилик меҳнати йўлга қўйилган.

Юқорида айтганимиздек, қўли очиқ, ҳотамтой инсонларнинг сафи тобора кўпаймоқда. Ботир Ашуров, Озод Мирзаев, Мавлуда Тошпўлатова каби саховатли инсонлар биттадан кам таъминланган оилани ўз ҳимоясига олган бўлса, маҳаллада яшовчи яна бир тадбиркор Васил Мирзаев бир йўла учта оилага мурувват ёрдамини беряпти.

- Мухтор акани узоқ йиллардан бери яхши биламан, - дейди фуқаро Эргаш Халилов. - Маҳалладошлари учун жонини берадиган инсон. Гарчи ёши етмишни қоралаётган бўлса-да, ёш йигитлардек чаққон, эпчил. Вақт топиб, маҳалладаги ногирон, ёрдамга муҳтож кишиларнинг кўнглини кўтаради.

- Мухтор ака табиатан элга етакчилик қилиш қобилиятига эга инсон, - дея суҳбатга қўшилади. «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлинмаси раиси Алижон Шербоев. - Ҳар бир хонадон, ҳар бир инсон унинг назаридан четда қолмайди. Ўзини бутунлай маҳаллага бағишлаган, эл-юрт дардини ўз дарди деб биладиган фидойи инсон.

Оқсоқолнинг меҳнати муносиб баҳоланди. У кўп йиллик самарали меҳнати учун ҳукуматимизнинг «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**

# Тинчлик ва барқарорлик — энг олий мақсад

***Ҳозирги кунда Афғонистон халқаро терроризмнинг маркази бўлиб қолмоқда. Наркотик моддалар етиштириш ҳажми ўсиб бораяпти. Мамлакатда марказлашган ҳокимиятнинг мустаҳкамланишига очиқ ёки яширин тарзда қаршилик кўрсатаётган кучлар ҳамом мавжуд.***

Ҳозир Афғонистон учун ҳам, минтақадаги бошқа давлатлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган муштарак жараёнлар рўй бермоқда. Бунинг исботи тариқасида Афғонистондаги можарони тартибга солишда муҳим рол ўйнаган «6 + 2 гуруҳи»нинг энг фаол аъзолари Марказий Осиё мамлакатлари — Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон бўлганини эслаш кифоя.

Афғонистондаги вазият нормаллашганидан сўнг унинг Марказий Осиё мамлакатлари билан товар алмашуви кескин ошиши муқаррар. Минтақани Форс кўрфази ва Ҳинд океани портлари билан боғлайдиган транспорт йўлаги барпо этиш имконияти яратилади.

Юқорида кўрсатилган муаммолар юзасидан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 2008 йил 3 апрел куни Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида юзага келган вазиятга барчанинг диққатини қаратди.

«Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бутун Марказий Осиё минтақасини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ҳаётий муҳим муаммоларни ечиш учун катта имкониятлар очиб берадиган хавфсизликнинг ҳал қилувчи омили эканини яхши англаймиз. Негаки, ушбу мамлакатда зиддиятларнинг кучайиб бориши, кескинлик ва терроризм кўламининг кенгайиши глобал хавфсизлик ва халқаро барқарорлик учун жиддий таҳдид солмоқда».

Дарҳақиқат, юртбошимиз айтганидек, давр «6+2» мулоқот гуруҳини ҳозирги воқеликни инобатга олган ҳолда, музокараларда НАТО ваколатхонаси ҳам албатта иштирок этишини назарда тутиб, «6+3 гуруҳи»га айлантиришни тақозо этмоқда.

Барча манфаатдор томонлар иштирокида кенг қамровли режани ишлаб чиқишда ушбу таклифларни эътиборга олиш Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга ижобий таъсир кўрсатиши аниқ.

Бугунги кунда халқаро ташкилотлар ва айрим мамлакатлар ушбу йўналишда муайян ишларни амалга оширмоқда. Бироқ бу ҳали етарли эмас. Афғонистон жаҳон ҳамжамияти учун ҳануз таҳдидлар ўчоғи бўлиб келмоқда. Ҳозирги даврда ҳеч бир минтақа ёки мамлакат ўзини терроризм хавфидан бутунлай холи деб ҳисоблай олмайди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, бу иллатга қарши курашишда ҳамкорликни кучайтириш катта аҳамият касб этади.

**К.РАҲИМОВ,**
**Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси**

***Инсон учун бебаҳо неъмат бўлмиш соғлиқни сақлашда шифокорлар билан бирга ҳамшираларнинг ҳам муносиб ўрни бор.***

# Тиббиётдаги ислоҳотлар туфайли

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг ҳамкорлик дастури доирасида Европа давлатларининг 12-ҳамширалар форуми юртимизда ўтказилиши бежиз эмас. Барча соҳаларда бўлгани каби тиббиёт тизимида ҳам олиб борилаётган ислоҳотлар бугун самара бермоқда. Юртимиздаги тиббиёт муассасаларида 270 мингга яқин ўрта тиббиёт ходими ва 800 дан зиёд олий маълумотга эга бўлган ҳамшира фаолият кўрсатмоқда.

Қишлоқ врачлик пунктларида ишлаётган 300 дан ортиқ ҳамшира Исроилда, вилоят ва даволаш профилактика муассасаларининг 30 нафарга яқин бош ва катта ҳамшираси Япония ва бошқа давлатларда ўтказилган халқаро йиғилишларда иштирок этишди.

Япониянинг JICA халқаро ҳамкорлик агентлиги билан ҳамкорликда ҳамширалар ишида янги технологияларни жорий этиш, ўқитиш усулларини кенгайтириш мақсадида «Ҳамширалик ишида етакчилик», «Ҳамширалик таълими», «Ҳамшираларни ўқитиш жараёнидаги янги талаблар» сингари 30 дан зиёд семинар ва йиғилишлар ташкил этилди. Шунингдек, беморларни парвариш қилиш, тиббиёт муассасаларида амалиётни яхшилаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Инсон саломатлигини ҳимоя қилишда фаол иштирок этаётган тиббиёт ходимлари учун «Ҳамшира» журнали нашр этилаяпти.

Мамлакатимизда ҳамширалар кўрик-танлови ўтказилиши ҳам анъана тусини олган. Ёш ҳамшираларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш, билимини янада чуқурлаштириш мақсадида уюштириладиган мазкур кўрик-танлов ғолиблари имтиёзли равишда тиббиёт институтларига ўқишга қабул қилиниб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Бир сўз билан айтганда, тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар ҳамширалар фаолиятида ҳам самара бермоқда.

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**





Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

● Бир Фармон шарофати



# Омонатчилар сонининг кўпайиши

## пул эмиссиясини қисқартиради

Ҳозирги кунда мамлакатимизда аҳоли бўш пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Навоий вилоят минтақавий филиалида бу борада олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқдир.

— Мижоз банкка қўйган маблағига тўланадиган фоизнинг барқарорлигига, истаган пайтда қайтарилишига ишонч ҳосил қилсагина бор пулини банкда сақлашга интилади, — дейди филиал бошлиғи Ғайрат Бекназаров. — Юртбошимизнинг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аҳолининг банк хизматига ишончини янада мустаҳкамлаб, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиради ва албатта, иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим омил бўлади.

Ҳақиқатдан ҳам мазкур Фармонга биноан аҳоли омонатларининг либераллаштирилиши лизинг, микрокредит ва истеъмол кредитини янада такомиллаштириш ҳамда ривожлантиришда янги имкониятлар яратмоқда. Эндиликда филиал фаолияти кенгайиб, аҳоли ҳамда хўжалик субъектларининг турли хил молиявий эҳтиёжлари тўлароқ таъминланаяпти.

Аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида миллий ва хорижий валюталарда ўз ҳисоб варақаларига эга бўлган мижозлар сони кўпайди. Жумладан, филиалда омонатчилар сони 2007 йил 1 июн ҳолатига 2245 тани ташкил қилган бўлса, 2008 йил 1 июнга келиб 3144 тага етди. Омонат қолдиғи 514 миллион сўмга кўпайди. Чунки юқоридаги Фармондан сўнг илгариги «Ғаройиб», «Кўклам», «Шодиёна», «Саховат» кабилар қаторига янги «Ниҳол», «Имконият» номли омонат турлари қўшилди.

— Мана икки йилдирки, ушбу филиалнинг турли хил омонатларига бўш пул маблағларимни қўйиб, даромад олмоқдаман, — дейди Навоий шаҳрида истиқомат қилувчи Л.Зорина. — Бу ерда омонатлар фоизлари юқори бўлиб, муддатлари ҳам мақсадга мувофиқ. Муҳими, ўз маблағимни вақтида ола билишимга ишонаман. Банк иш фаолиятининг барқарорлиги ва хизматларнинг кенглиги ҳам бизга ўхшаган мижозларнинг ишончини оширади.

Банкда бўлганимизда омонатчилардан К.Сайдуллаев, Н.Ҳамдамовалар ҳам ана шундай фикрларни билдиришди.

Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, филиалда мижозлар омонатларини ўз ихтиёрига қараб ва ҳеч қандай чекловларсиз тасарруф этиши мумкин. Уларга ҳисоб варақлар ва пул қўйилмалари борасида, шунингдек, мазкур маблағлар бўйича амалга ошириладиган операциялар хусусида банк сири сақланиши, омонат шартларининг тўлиқ бажарилиши, мижознинг биринчи талаби асосида пуллари қайтариб берилиши кафолатланади. Олинган даромадлар солиққа тортилмайди.

Бундан ташқари, филиалда коммунал тўловларга нақд пуллар қабул қилиш, халқаро пул жўнатмалари тизимидан ўз вақтида мижозларга маблағларини тўлаб бериш, уяли алоқа компанияларининг экспресс карточкаларини сотиш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунда бу ердан «WESTERN UNION», «CONTACT», «BLIZKO», «INTER EXPRESS», «MIGOM» каби пул ўтказмалари орқали мижозлар пул жўнатиши ёки қабул қилишлари мумкин. Айни пайтда банкнинг жойларда 5 та жамғарма кассаси, 5 та валюта айрибошлаш шохобчаси, 3 та минибанки фаолият кўрсатмоқда. Нақд пул тушумини кўпайтириш мақсадида 3 та махсус касса очилди. Мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида 2- ва 6-жамғарма кассаларида халқаро пул ўтказмалари тизими йўлга қўйилди.

Филиалда пластик карточкалар хизматини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Нақд пул муомаласини тартибга солишнинг бу муҳим тартиби мижоз учун ҳам, банк учун ҳам жуда қулай ва фойдалидир. Бу ишни ҳаётга татбиқ этишда банкка пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга оширишда фойдаланиладиган ускуналар ҳамда зарурий материалларни импорт қилиш ва улардан фойдаланишда божхона ва солиқ имтиёзлари амал қилиш муддатлари 2010 йил 1 январга қадар узайтирилиши айниқса қўл келмоқда. Бугунги кунга келиб вилоятнинг турли ҳудудларига савдо терминаллари ўрнатилган бўлиб, мижозларга тез ва ишончли хизмат кўрсатмоқда. «Файзиев Асат» дўкони, «Шамс Навоий» супермаркети, «Инко-Люкс», «Жебатчи», «Фауна восход» хусусий фирмаларида ўрнатилган савдо терминаллари шулар жумласидандир. Жорий йилнинг 1 июнига юқоридаги ва бошқа терминалларда амалга оширилган савдо айланмалари 1 миллиард 900 миллион сўмдан ошиб кетди. Бу кўзланган режага нисбатан анча кўпдир. (h)

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ishonch» мухбири**



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи масъулияти чекланган жамияти

* Россия Федерациясининг ВАЗ русумидаги барча автомобилларини накд пулга сотишини маълум қилади.





* Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.
* Автомобилларга божхона солиғи тўланган.
* Уларнинг сифати тўла кафолатланади.



Манзил: Фарҳод ярмаркаси, 3-қатор.
Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 276-33-51, 276-77-20.
Факс: (8-371) 276-97-40

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва Жиззах вилоят вакиллиги РШТЁИМ Жиззах филиали касаба уюшмаси қўмитаси раиси Жайсанов Искандарга акаси **Исфандиёр ЖАЙСАНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ҳамда Марказий кенгашнинг вилоят вакилликлари Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшма кенгаши раиси Омонулло Сафоевга онаси **ХОЖИЯ ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ва тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташкилотлари Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Омонулло Сафоевга волидаи муҳтарамаси **ХОЖИЯ ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# Йўлдаги эзгулик карвони

**Бахтли бўлишга интилган инсонгина унга лойиқ. Бахт муаммоларсиз яшашда эмас, балки жўяли муаммоларни одам шаънига муносиб ҳал қила олишдадир. Ҳикоямиз қаҳрамони Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, фан арбоби, педагогика фанлари доктори, профессор Даврон Шодиевнинг бутун умри муаммоларни ҳал этишдан иборат деб айтса бўлади.**



Қишлоқ советининг раиси бўлиб ишлаётган Шоди Бекмирза ўғли халқ душмани сифатида ҳибсга олинган 1938 йилнинг 17 июл куни оиладаги ўнинчи бола — Даврон бешикда чинқириб йиғлаб ётган тўққиз кунлик чақалоқ эди. Бойнинг боласи, халқ душмани сифатида олиб кетилган ота шу кўйи қайтиб келмади. Ўн бола ота меҳрини билмай, у ҳақида гапиришдан ҳам чўчиб ўсишди.

Ота судсиз-сўроқсиз йўқ қилинишидан ўн йиллар олдин Давроннинг боболари қулоқ қилинган эди. Меҳнаткашлиги ва тадбиркорлиги сабаб ўзига тўқ яшаган бу одамлар вақтида қишлоқдаги кўп кишиларга яхшилик қилган ва бу эзгуликларни Қарши тумани Лаганди қишлоғи аҳолисининг кўпчилиги эсидан чиқармаган эди. Ота-боболарнинг яхшиликлари қаровчисиз қолган ўн норасиданинг давр синови ва очлик домидан омон чиқишига маълум даражада сабаб бўлди.

Даврон Шодиев шундай қийин шароитда улғайди. Қийинчилик иродаси кучли одамларни чиниқтиради. У болаликдан ғоят тиришқоқ ва тиниб-тинчимас, кўзлаган ишини қилмай қўймайдиганлардан эди. Унинг соғ-омон улғайиши, шахс сифатида шаклланиши, олим бўлиб етишишида яхши одамларнинг хизматлари кўп бўлди албатта. Аммо унинг Даврон Шодиев бўлиб етишишида онаси Мўмина момонинг таъсири кучли эди. У, биринчи навбатда, болаларини отага эҳтиром руҳида тарбиялади. Шу боис улар оталарининг отини фамилия қилиб олишди. Табиатан мағрур она ўғилларига шаънни жондан ортиқ кўриш туйғусини сингдирди. Даврон Шодиевдаги ғурурнинг илдизи онасидан сувланган эди.

Болалигидан аниқ фикрлаб, дангал сўзлайдиган, темир-тақа-ю бузилган асбобларни тузатишга ўч Даврон мактабни битиргач, Тошкент давлат педагогика институти физика-математика факултетининг физика ва умумий техника фанлари бўлимига кириб ўқиди. Кейин йўлланма билан Чироқчи туманига юборилди. У ерда бир муддат ишлагач, Касби тумани Ҳамза номидаги мактабда хизмат қилди.

Ёш мутахассис синфга физиканинг амалий жиҳатларини кўпроқ олиб кирганда, ўқувчилари бирданига жонланиб, дарснинг кузатувчисидан иштирокчисига, ҳатто, ижрочисига айланишди.

Ҳаракатчан ўқитувчининг бу иши кўпчиликнинг эътиборини тортди. Шу боис ўша пайтлар Қарши давлат педагогика институти декани бўлган ёш олим Малла Очилов талантли ўқитувчини ишга таклиф қилади. 1967 йили Д.Шодиев Москва вилоят педагогика институти аспиранти бўлади. 1970 йилда «Кичик ёшдаги ўқувчиларда физикага оид тасаввур ва тушунчаларни шакллантириш» мавзусида педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилади. Олим бошланғич синф ўқувчиларида физик тушунчаларни шакллантириш йўлларини илмий тадқиқ этди. У физик ҳодисаларни ўргатиш физика дарсидан эмас, балки бола мактабга келган илк кунлардан бошланиши кераклигини, предметларни интеграциялаш (умумлаштириш) ўқувчиларда табиат ҳодисаларини тушуниш омили эканини асослаб берди. Ҳар қандай ишга астойдил киришадиган Д.Шодиев Қарши пединститутида кафедра мудири, декан, проректор бўлиб узоқ йиллар ишлади. Минглаб бўлғуси ўқитувчиларни физика ва педагогика сирлари билан таништирди.

1987 йили «Умумтаълим мактабларида табиий фан асосларини ўргатишда назария билан амалиётнинг мувофиқлиги» мавзусида педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади.

Бир пайтлар Д.Шодиевнинг номзодлик диссертациясига расмий оппонент бўлган, дунёга машҳур методист, академик Н.М.Шахмаев ёш олимнинг имкониятларини тўғри баҳолаб, уни «Физика» дарсликларини яратиш бўйича эълон қилинган бутуниттифоқ танловида бирга қатнашишга таклиф этди. У устозига танловда одатдагидай эмас, балки янгича йўсинда қатнашиш таклифини айтди. Яъни Н.Шахмаев ва Д.Шодиев устоз кўзда тутгани каби биргина 9-синф учун эмас, балки 7-синфдан 11-синфгача бўлган барча «Физика» дарсликларини бирваракайига яратиш, шу билан бирга ҳар бир синф дарслигидан фойдаланиш бўйича ўқитувчиларга атаб алоҳида услубий қўлланма ҳам ёзиш ғоясини ўртага ташлади. Ўқув-услубий мажмуа уни яратган олимларнинг мамлакат ўқувчилари олдидаги жавобгарлигини орттиришига Н.Шахмаевни ишонтира билди. Шу тариқа методика илми тарихида илк бор ўқув-усулий мажмуа яратишга киришилди.

1986 йилги танловда Н.Шахмаев ва Д.Шодиевлар тайёрлаган 7 — 11-синфлар «Физика» ўқув-услубий мажмуаси ғолиб деб топилди. Ушбу мажмуадан дунёнинг 19 мамлакатида фойдаланила бошланди. Ҳозирги кунда ҳам бу ўқув ашёси Россия ўрта мактабларида асосий дарслик сифатида қўлланиб келмоқда.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида мамлакатимиз педагогика илми ва амалиётида «таълим стандарти», «таълим концепцияси» каби тушунчалар пайдо бўлди.

Миллий педагогикамизнинг келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ишларни амалга оширишда Даврон аканинг ишчанлиги ва ташкилотчилик қобилияти тўла намоён бўлди. У кўпдан бери бир йил давомида бир ярим-икки босма тобоқлик тавсия ёзишни иш деб ҳисоблашга ўрганган жамоани улкан, жиддий илмий педагогик юмушни бажаришга сафарбар эта билди. Бунинг учун домла кўпчилик илмий ходимлар кўнглида милтиллаб ётган, аммо талаб бўлмаганидан сўниб бораётган ижодкорлик туйғусини уйғотди.

Даврон ака одамларнинг қобилиятини яхши билар, ҳар бир одамга мос иш топширарди. Одамларни яхши билиши шунчалик эдики, уларнинг бир-икки оғиз сўзиданоқ кейинги ниятларини деярли бехато айтиб бера оларди.

Д.Шодиев қалтис вазиятларда таваккал қила биладиган одам. Ишлаб дам оладиган, меҳнатни яшаш тарзига айлантирган Д.Шодиев умри давомида қатор-қатор дарсликлар ёзди, монографиялар яратди, шогирдлар тайёрлади, меҳрибон ва куюнчак Зулфия янгамиз билан яхши фарзандлар тарбиялади. Даврон Шодиев хонадонида ота, она, ўғил, қиз — ҳаммаси ўқитувчи. Олимнинг иккала ўғли ота изидан борган. Каттаси педагогика фанлари номзоди, кичиги педагогика фанлари доктори. Хуллас, илмнинг карвони эзгулик йўлида собит бормоқда. Етмиш ёшли сарбон — Даврон Шодиев уни сергаклик билан бошқариб бораётир. Эзгулик карвонига бехатар йўл ва нурли манзил тилаб, етмиш ёшингиз қутлуғ бўлсин, Даврон ака деймиз.

**Қ. ҚАШҚИРЛИ**

## Орамиздаги одамлар

## Карате

# Ёшларга бўлакча эътибор

**Ёз фасли Ўзбекистон терма жамоаси учун ўқув-машғулот йиғинлари даври бўлмоқда.**



Дастлаб Чирчиқ олимпия захиралари коллежида, сўнгра Тошкент шаҳридаги «Қўрғонтепа» спорт мажмуасида ўтган йиғинлар Самарқанд шаҳрига кўчди.

Мураббийлар Адҳам Юнусов ва Рустам Казаков ўсмирлар ва ёшлар термамизни август ойида Малайзиянинг Сабаҳ шаҳрида ўтадиган Осиё чемпионатига ҳозирлашмоқда. Ёшлар йилида терма жамоа таркиби тубдан янгиланганини, асосий эътибор ёшларга қаратилаётганини таъкидлаш ўринли. Мутахассислар қитъа мусобақасида самарқандлик Санжар Рўзибоев, қорақалпоғистонлик Замира Алиева, Тошкент шаҳридан Сардор Маҳмудов ва Регина Ниёзовадан катта умид қилишаяпти.

10 июлдан эса йиғинлар Тошкент вилоятининг Чодак қўрғонида давом эттирилади.

Айтмоқчи, вилоятлар жамоалари ҳам зерикиб қолгани йўқ. Сирдарёда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган турнир, Андижонда анъанавий «Олтин водий», Бухорода эса «Бухоро шаҳри кубоги учун» баҳслари бўлиб ўтдики, уларда маҳаллий жамоалар билан бирга турли вилоят термалари ҳам маҳоратларини синовдан ўтказди. Мусобақалар ҳақида гапирар экан, Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси бош котиби Дилшод Каримов турнирлар савияси олдингиларга қараганда анча кўтарилганини, шунингдек, каратэ билан шуғулланувчилар сафи ҳам кенгайганини таъкидлади.

## Гандбол

# Камчиликлар учун ким жавобгар?

*Самарқанддаги «Даҳбед» спорт мажмуасида гандбол бўйича эркаклар ўртасида Ўзбекистон кубоги ғолиблари аниқланди.*

*Мусобақада мамлакатимизнинг 8 жамоаси дастлаб икки гуруҳга бўлинган ҳолда ярим финалчиларни аниқлаб олди.*

*Унга кўра, «А» ва «В» гуруҳларида биринчи ҳамда иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар — Самарақанднинг СамДАҚИ ва Тошкентнинг «Ёшлик», Олмалиқнинг ОТМК ҳамда пойтахтнинг ЎзМУ гандболчилари ярим финалга чиқишди.*

*ЎзМУ — «Ёшлик» — 32:24, СамДАҚИ — ОТМК — 39:32.*

*Финалда мезбонлар ва ЎзМУ спортчилари учрашишди ва бунда архитектура-қурилиш институти жамоасининг қўли баланд келди — 35:27.*

*3-ўрин учун баҳсда эса олмалиқликлар зафар қучишди: «Ёшлик» — ОТМК — 14:29.*

*Қолган ўринлар учун ҳам баҳслар қизғин ўтди:*

*5 — 6-ўрин. УОЗК — «Қорақалпоғистон» — 23:17.*

*7 — 8-ўрин. «Жиззах» — «Истиқлол» — 21:18.*

*Ўзбекистон гандбол федерацияси бош котиби Мидхат Бекметов мусобақа ҳақида фикр билдириб, жумладан, шундай деди:*

*— Кейинги йили ўтадиган «Умид ниҳоллари» мусобақаси туфайли барча жамоаларда ёш ўйинчиларнинг кўпайганини кўриш мумкин. Бироқ битта салбий томони шуки, гандбол бўйича энг йирик мусобақа ҳисобланган кубок баҳсларида барча вилоятлардан жамоалар тўлиқ қатнашишмади.*

## Ёзги биатлон



Вакилларимиздан Руслан Носиров катталар ўртасида, Анузар Юнусов ўсмирлар баҳсида учтадан олтин медалга эришиб, муваффақиятга катта ҳисса қўшишди.

Бундан ташқари, Мурод Ҳожибоев катталар ўртасида бир кумуш ва иккита бронза, Анна Тимофеева битта бронза, ўсмирлар беллашувларида эса Жамшид Тиллаев икки кумуш ва бир бронза, Нозим Умматов бир кумуш ва икки бронза ҳамда Анна Дреева иккита бронза медали соҳибига айландилар.

# Зафар муборак!

Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида ёзги биатлон бўйича навбатдаги Осиё кубоги ғолиблари аниқланди. Қитъанинг ушбу спорт тури тараққий этган давлатлари катталар ва ўсмирлар терма жамоалари билан иштирок этди.

Якунда терма жамоамиз аъзолари олтита олтин, тўртта кумуш ва саккизта бронза медали билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди.

Энди Сергей Серебряков шогирдлари 22 — 28-сентябр кунлари Францияда ўтадиган жаҳон чемпионатига ҳозирлик кўришади.

**Акмал АБДИЕВ**

## Хабарлар

### «Камолот» стипендияси

*«Ёшлар йили» муносабати билан ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун вилоят миқёсида «Камолот» стипендияси жорий этилди.*

*Фарғона вилоят «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши май ойида «Камолот» стипендиясига ҳаракатнинг шаҳар ва туман кенгашлари номзодларни тавсия этган эди. Яқинда 10 нафар талаба ушбу стипендияга сазовор бўлди. Улар орасида Марғилон шаҳридаги академик лицей ўқувчиси Мадина Абдураззоқова, Қўқон шаҳар академик лицей ўқувчиси Аюбхон Хўжаев, Ўзбекистон тумани маиший хизмат коллежи талабаси Дониёр Ғафуров, Фарғона шаҳар ҳуқуқшунослик коллежи талабаси Гулсара Раҳимова ва бошқалар бор.*

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

### Инклюзив таълим

**Қашқадарё вилоят ахборот-кутубхона марказида воҳада инклюзив таълим самарадорлигини оширишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**«Имконияти чекланган болалар учун умумий таълим гранти» лойиҳаси асосида иш олиб бораётган мактаб-интернатлар ўқитувчилари, мутахассислар, ота-оналар иштирокида уюштирилган мулоқотда ногирон болаларни ўқитишга структуравий ёндашув, таълим-тарбия савиясини яхшилаш хусусида фикр алмашилди.**

**— Чироқчи туманидаги 19-ақли заиф болалар мактаб-интернати ва вилоятдаги айрим таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш, мактабларда бу муҳим ишга услубий ёндашув, ногирон ўғил-қизларни таълим муассасаларига жалб қилишда маҳалла ва мактабнинг ўзаро ҳамкорлиги, айниқса, муҳимдир, — дейди «Умид» ташаббусларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари Дилдора Амирқулова.**

**И. ИСОМИДДИНОВ**

# Эркин аканинг кутубхонаси



Эркин Кенжаев Қарши туманидаги «Мустақиллиқ» қишлоғида истиқомат қилади. Мутахассислиги — педагог. Айни пайтда турмуш ўртоғи Дилором опа билан олти нафар фарзанди эъзозида. Ўн тўрт нафар неваранинг севимли бобоси.

Эркин ака Қарши педагогики коллежида қирқ йил ёш авлодга таълим-тарбия берди. Нафақага чиққанидан сўнг коллеж ҳудудида музей ташкил этишга киришди.

Ёшларга таълим бериш билан бирга узоқ йиллардан буён турли хилдаги китоблар тўплашга қизиқаман, — дейди Эркин ака. — Ҳозирги кунда оммавий кутубхонамиз жамғармасида беш мингдан ортиқ китоб мавжуд.

Айни кунда Эркин аканинг кутубхонаси ўз ўқувчиларига эга. Бу ерга маҳалла китобсеварлари, шу жумладан, қишлоқдаги 27-ўрта мактабнинг ўқитувчилари ва ўқувчилари тез-тез келиб туради.

**Суратда: Эркин Кенжаев тўртинчи синф ўқувчиси Жавлонбекка шахмат сирларини ўргатмоқда.**

**Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.**

## Парда ортида

# Бола руҳияти саҳна асарларида

Театр маданий-маънавий даргоҳ. Ҳар бир миллатнинг ҳаёти, турмуш тарзи, орзу-кечинмалари саҳна асарларида ўз аксини топади. Қаршидаги вилоят қўғирчоқ театри ижодий жамоаси келажагимиз ворисларининг бадиий-эстетик эҳтиёжларини қондириш, уларга шодлик ва қувонч бағишлаш учун репертуарларини йил сайин бойитиб бормоқда.

Болалар қалби гўзалликка ошуфта, сиру синоатга тўла. Қўғирчоқ театри санъаткорлари ёш томошабинларга завқ бағишлаш, болалар дунёқарашини шакллантириш учун тинмай изланаяпти.

Вилоят марказида жойлашган 3-Меҳрибонлик уйи тарбиячи ва тарбияланувчилар билан гавжум. Ижодкор Ш.Қаюмов асари асосида тайёрланган «Улоқчанинг китоби» спектакли намойиш этилаяпти. Тақдир тақозаси билан меҳрибонлик масканига келиб қолган болажонлар юксак санъаткорона маҳорат билан тасвирланган воқеалардан таъсирланиб, қийқириб олқишлар эдилар. Саҳна асари, улоқчанинг хатти-ҳаракати кичкинтойларнинг қизиқишини янада оширди.

— Бола руҳияти ўзи бир олам, — дейди театр бадиий раҳбари Ғайрат Ҳамроев. — Эндигина атак-чечак бўлаётган жажжилардан тортиб, ўсмирлик остонасига қадам қўйган ёшларга қадар ҳаёт кечинмаларига катта қизиқиш билан қарайди, гўзалликни севади.

Бола тафаккури зилол сувга, беғубор қалби эса оқ қоғозга ўхшайди. Фарзандларимизни тўғри йўлга солиш, эзгу ишларга йўналтириш, кўнглидаги туйғуларни тўлқинлантириш санъаткорларнинг маҳоратига боғлиқ. Қўйилажак санъат асарлар репертуарларини танлашдан тортиб, то саҳнага олиб чиққунга қадар бўлган мураккаб жараёнда ёш авлод руҳияти ҳисобга олинган ҳолда иш тутилади.

Эртак қаҳрамонлари, айиқса, бўри, арслон, қуён, тулки, буқача, улоқча кабиларни акс эттирувчи эскизлар, миниатюралар танланади.

Бундан ўн тўрт йил муқаддам ташкил топган санъат даргоҳи ёш авлодни Ватанга муҳаббат, она табиатга меҳр руҳида тарбиялаш, қалбида миллий истиқлол, дўстлик ва ватанпарварлик ғояларини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаяпти.





Ўқувчиларнинг қишки ва баҳорги таътил кунлари, оромгоҳлар фаолиятини бошлаган ёзги мавсумда театр жамоасининг иши янада кўпаяди. Қўғирчоқ театри ижодкорлари болалар боғчалари, мактаблар, маданият ва истироҳат боғлари, меҳрибонлик уйлари, оромгоҳларда бўлиб, қизиқарли томошалар уюштирадилар.

Кейинги пайтда саҳналаштирилган «Ғаройиб меҳр», «Дадавойнинг саргузаштлари», «Қувноқ масхарабозлар», «Баджаҳл қуёнча», «Очкўз качал», «Қоработир», «Қуёш нури», «Ўткир шохли буқача», «Қуёш бобо», «Қорбобонинг совғаси», «Мистер чўчқанинг саргузаштлари», «Мешполвон», «Шўх шайтончалар», «Қорбобонинг мўъжизаси», «Қўғирчоқлар қуйлаганда» сингари спектакллар ёш томошабинлар томонидан қизғин қарши олинди, жажжи ўғил-қизлар эътиборини қозонди.

Мукаммал режиссёрлик иши, актёрларнинг юксак маҳорати республика жамоатчилиги томонидан эътироф этилаяпти. Самарқандда ўтказилган қўғирчоқ театрлари фестивалида намойиш этилган «Қуёш нури» спектаклида қатнашган санъаткорлар фаолиятига юқори баҳо берилди. Актёрлар Акмал Худоёров «Энг ёш ижрочи», Нигора Дўстмуродова «Энг яхши аёл ижрочи» йўналишлари бўйича совринли ўринларни эгалладилар. Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган анъанавий фестивалда Ғайрат Ҳамроев саҳналаштирган «Мешполвон» спектакли «Энг яхши режиссёрлик иши» сифатида эътироф этилди.

Ўтган йили Тожикистон пойтахти Душанбеда ўтказилган «Чодири хаёл» халқаро фестивалида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Қашқадарё вилояти қўғирчоқ театри жамоаси Анвар Обиджоннинг «Даҳшатли Мешполвон» асари асосида тайёрланган «Мешполвон» спектаклини намойиш этиб, фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Россия, Германия, Қирғизистон, Эрон давлатлари вакиллари қатнашган санъат анжуманида театр жамоасининг чиқишлари юксак баҳоланди. Ёш томошабинлар билан самимий алоқа ўзаро ишонч, маҳорат жозибаси ва ижро маҳорати билан уйғунлашиб кетган. Болаларни эртаклар оламига олиб кираётган, софдиллик, бир-бирига ҳурмат, дўстликка чорловчи санъат усталари мухлислар ишончини қозонган.

— Қўғирчоқ театрининг ютуқлари янада кўпаймоқда, — дейди маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги вакили М.Саидмуродова. — Ёш томошабинлар унинг ҳар бир чиқишини орзиқиб кутадилар.

Ижодий парвозга шайланган театр жамоаси «Яшил арча», «Оловнинг ўғирланиши», «Улоқчанинг китоби» каби янги спектаклларни саҳналаштирдилар.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**


ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'K.U.F. F.T.U.U.

**Muassis:**
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay`ati:**
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib),
Ma`mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AllAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

**Bo`limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-03-90

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

**Nashr ko`rsatkichi:**
133; 134

Navbatchi muharrir: N.Rafiqov
Navbatchi: D.Rahmonova
Musahhih: N.Yo`ldoshev

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchilar: H.Abdujalilov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 21.00

Буюртма Г — 614

10766 nusxada bosildi

1 2 3 4 5 7 8